



XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayti: www.21asr.uz

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2012 йил 13 декабрь, пайшанба, 50 (474)-сон



МАҲАЛЛАНИ ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

2 **ИСЛОҲОТ**



«АСАКА»БАНК ТАДБИРКОРЛИККА 14 МЛРД. СЎМ КРЕДИТ АЖРАТДИ

6 **БАНК ТИЗИМИ**



«ТЎФОН»ДАН ОЛДИНГИ СОКИНЛИК

8 **СЎНГИ САҲИФА**

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОНДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШ ЖИҲАТИДАН ЖОЗИБАДОР 20 ДАВЛАТ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ

Ўзбекистон 2013 йилда бизнес учун дунёдаги энг истиқболли 20 давлат қаторига қўшилган Марказий Осиёдаги ягона давлат бўлди

Бу хабарни хорижий оммавий ахборот воситалари Буюк Британиянинг тавakkалчиликларни таҳлил қилиш билан шуғулланган Марксетт консалтинг компанияси хулосасига асосланган ҳолда эълон қилди.

3 >>>

«Аёллар қаноти»



ТАНЛОВДАН СЎНГ

Тадбиркор аёллар сони 70, янги иш ўринлари сони эса 370 дан ошди

Утаётган ҳафтада O'zLiDePнинг «Оилавий тадбиркорликдан-мустаҳкам оилага» лойиҳасининг вилоят босқичларига яқин ясалди. O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Муяссар Жамолдинованинг таъкидлашича, ушбу лойиҳада вилоятдан жами 1493 нафар партия аъзоси ва 553 нафар фермер хотин-қизлар иштирок этдилар.

— Хотин-қизларимиз бандлигини таъминлаш, уларни турли соҳаларда ўз салоҳиятларини намойиш этишлари учун зарур шарт-шароит яратиб берилгани боис йилнинг ўтган даврида ҳудудда 376 та янги иш ўринлари яратилиб, 187 млн. 800 минг сўм миқдордаги кредит маблағлари аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилди, — дейди М.Жамолдинова.

3 >>>

Шукрона

ХАЛҚАРО ТАҲЛИЛЧИЛАР 2012 ЙИЛ ДУНЁНИНГ АКСАРИЯТ ДАВЛАТЛАРИ УЧУН НОТИНЧЛИК, ҚАРАМАҚАРШИЛИК ВА НИЗОЛАР ЙИЛИ СИФАТИДА ТАРИХДАН ЖОЙ ОЛАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

Озиқ-овқат ва ичимлик суви танқислиги, экологик хавф-хатарларнинг кучайиши, қатор давлатларда ҳукм сураётган иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик ҳам жорий йилнинг сокин кечмаганидан далolat бермоқда. Энг ачинарлиси айрим давлатлардаги ана шундай ҳолат аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончини сундирапти.

Яқинда собиқ иттифоқ таркибидаги давлатлардан бирида чоп этиладиган нуфузли нашрда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид мақола чоп этилди. Унда муаллиф «Мана йигирма йилдирки биз бутунлай янги давлатда яшаймоқдамиз. Аммо ҳалигача қайққа бораётганимизни, эртанги қандай кечилишни билмаймиз. Энг ачинарлиси ёшларнинг келажагини қандай кечали, деган саволларига жавоб қайтара олмаёмиз», дея хулоса чиқаради. Ҳақиқатан ҳам, айрим давлатларда демократик ислохотларни қандайдир ҳавоий мақсадлар, амбициялар ва сохта обрў топиш учун сунъий равишда тезлаштириш, ўз хоҳишини амалдаги ҳақиқат деб

кўрсатишга уриниш оdatлари тескари натижалар бериши мумкинлигини юқоридагидек ҳолатлар кўрсатиб турибди.

Айни пайтда тор ва айни пайтда кенг дунёда рўй бераётган ана шундай ҳолатларга гувоҳ бўлиб, ота-боболаримизнинг «бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил», деган ҳикматли сўзлари ёдга тушади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларида дунё миқёсида 5 ёшгача бўлган 6 млн.дан ортиқ гудак туйиб овқатланмаётгани оқибатида ҳаётдан кўз юмаётгани, 130 миллион бола эса бошланғич таълим олиш имкониятига эга эмаслиги афсус билан қайд этиляпти.

Бундай рақамлар ва уларни келтириб чиқарган омилларни чуқурроқ таҳлил этсак, дунёнинг турли нуқталарида юз бераётган урушлар, давлатлараро, миллатлараро низола, қашшоқлик ва очлик, турли эпидемиялар бунга сабаб бўлаётганини кўраемиз.

2 >>>

ЮРТИМИЗ ОБОД, ТУРМУШИМИЗ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛАДИ

ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, ЯҚУНЛАНАЁТГАН 2012 ЙИЛ МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА УЛКАН МАРРАЛАР ЙИЛИ БЎЛДИ



Алишер СУЛТОНОВ, Сенатор, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси

Жаҳон молиявий инқирози туфайли кўлаб давлатларда аҳоли турмуш тарзи мураккаблашиб бораётган бир пайтда юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт туфайли кенг кўламли ислохотлар жадал давом эттирилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида сезиларли даражада ўсишга эришилди. Рақамлар тили билан айтганда, 2008-2012 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этди.

3 >>>

2013 ЙИЛ — «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ «ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ — БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР» НОМЛИ МАЪРУЗАСИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА, ТУРЛИ СОҲА КИШИЛАРИ ЎРТАСИДА АКС-САДО БЕРМОҚДА


Зеро, маърузада баён этилган фикр-мулоҳазалар ва қиёсий таҳлиллар яна бир қарра истиқлолнинг дастлабки йилларида танланган тараққиётнинг «ўзбек модели» жаҳон миқёсида бежиз эътироф этилмаётганини кўрсатди. Айниқса, жаҳоннинг турли минтақаларида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси билан боғлиқ далил ва рақамлар ҳеч қимми бефарқ қолдирмапти. Урта синф, яъни мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган мулкдорлар қатлами манфаатларини ҳимоя қилишни изчил давом эттиришга оид мулоҳазалар эса айни пайтда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент куйи палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар, тадбиркор ҳамда фермерлар томонидан ҳам жиддий муҳокама қилинмоқда.

2-3 >>>

Бунёдкорлик

Хоразмда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҲАМ САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР БЕРМОҚДА



Айниқса, Юртбошимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти sanoat салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни бутунлай янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур ҳужжатта асосан 2013-2015 йилларда Хоразмда жами 253 та лойиҳа амалга оширилиб, вилоят иқтисодиётига 462 миллион доллар миқдордаги инвестиция жалб этилиши натижасида 8870 та янги иш ўрни яра-

тиш белгиланган. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўлаб-қувватлаш борасида жами 120 миллион долларлик 213 та лойиҳага биноан 2270 та янги иш ўрни яратилиб, режалаштирилганини таъкидлаш лозим. Дастурда белгиланган лойиҳалар амалга оширилиши натижасида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилда 2012 йилга нисбатан 2,1, озиқ-овқат маҳсулотлари 1,7, қурилиш материаллари 4,4, машинасозлик ва кимё sanoati соҳасида 7,3, но-озик-овқат товарлари ишлаб чиқариш 2,6 ва бошқа тармоқларда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 баробарга ўсиши кутилмоқда.

4 >>>

БУГУНГИ СОНДА

4 Фарғоналик 2 МИНГДАН зиёд тадбиркор хотин-қизларга 25 МИЛЛИАРД 670 МИЛЛИОН СЎМ миқдорда кредитлар ажратилди.

7

2013 ЙИЛ — «ОБОД»



Бахтиёр ЯКУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси раҳбари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

— Президентимиз Ислон Каримов Асосий қонунимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг манфаатлар мувозанатини ва бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш бўйича демократик талабларга жавоб берадиган ислохотлар таъсири хусусида сўз юритиб, Ўзбекистонда стратегик тараққиётнинг энг устувор йўналиши сифатида хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратдилар.

Бу эътироф кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишига катта туртки бўлиши баробарида ижтимоий-сиёсий барқарорлиқни таъминлайдиган ўрта синф — яъни мулкдорлар қатламининг мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялашда тугган ўрни ва аҳамиятига белгиланган муносиб баҳо ҳамдир. Демак, ўз навбатида, айнан ана шу синф манфаатини ҳимоя қилаётган O'zLiDeP бундан кейинги фаолияти давомида мулкдорларга ҳам назарий, ҳам амалий қўмақлаштириш билан боғлиқ ишларни янада кучайтириши, тадбиркор ва фермерлар ҳуқуқини ҳимоялашга оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ тақдирларни илгари суриши лозим.

Зеро, тараққиёт йилларимизда яшилган ютуқлар аввало, барча фаолият турларининг бош ҳуқуқий асоси — Конституцияда мустақам бўлган принциплар, қонда ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйланганини аққол намоеъ этиди. Фикримиз

Муҳаррир минбари

Шукрона

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йилда «Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳдлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиқидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан бундан энг муҳим, халқ қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор» деган сўзлари шу маънода ҳам мамлакатимиздаги тинчлик, барқарор турмушнинг қадрига этиш ва уни асраш учун ҳар ким ўз зиммасидаги масъулиятни тўла хис этиши лозимлигини аналтади.

Маълумки, Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг таназзулга юз тутган даврларида кучсиз давлатнинг ўз фуқароларини тақдир ҳукмига ташлаб қўйиши мумкинлигига гувоҳ бўлди. Биргина Фарғонада руй берган фожияларни эсласак, иқтисодиётнинг издан чиқishi, кимларгадир қарамлик қандай оғир оқибатларга олиб келишини ёдга олсак, бугунги кунларга шукрона қиламиз.

Ҳа, чиндан ҳам, Юртбошимизнинг Бош қомусимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида тилга олинган ҳар бир ибора бугунги осойишта осмон, тинчликнинг қадрига этиш, Озод ва обод Ватан, истиқлол ўз-ўзидан қўлга киритилмаганини аналтади хизмат қилади.

Зеро, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури бўйича амалга оширилган, миқдоси ва қўламини жиҳатидан кўпчиликини ҳайратга солаётган улкан натижаларимиз ўз мазмунини, моҳиятини, руҳини ва фалсафасини билан ҳам мамлакат тарихини беэъ олган йил бўлди. 2012 йил учун асос, пойдевор вазифасини ўтаган аввалги йиллардаги салмоқли натижалар хусусида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин.

Биз юқорида ҳалигача эртанги кунни қандай кечилидан ҳавотирда яшаётган айрим давлатлардаги ҳолатни тилга олдик. Ана шундай бир пайтда Ўзбекистонда 2 триллион сўмдан ортиқ ва 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ халқ

ги саноқли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмагани, макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлиги ва муносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бақариллиги фақат айтишга осон, ҳолос.

Аслида бу рақамлар ҳаққимизни обод турмуш сари етаклаб келган устувор йўналишлар — изчил иқтисодий ислохотлар самарасини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Бошқача айтганда, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб изчил амалга оширилган ишларда айни шу гоё, яъни халқ фаровонлигини таъминлашдек эзу интилиш мужассам эди. Кириб келаётган 2013 йилнинг «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши эса аниқ тизимга солинган сай-ҳаракатларнинг яна бир ҳаётий ифодаси бўлди.

Шулар ҳақида гапирар экан, Юртбошимиз тадрижий тараққиёт концепциясини амалга ошириш, иқтисодиётнинг мафқураддан холи бўлиши, демократик ислохотларни босқичма-босқич жорий қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчилик ролини тан олиши ва ўттиш даврида унинг таъсирини ошириш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби принципларга қатъий амал қилганимиз ижобий ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омил бўлганини алоҳида таъкидлашлар.

Бир сўз билан айтганда, кириб келаётган янги йилга «Обод турмуш йили» деб ном берилиши мамлакатимизнинг бош мақсади бўлиши инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида улкан қадам бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

фаровонлигини янада юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қўлай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бежиз тилга олинмапти.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли дунёда юзлаб, минглаб ишсизлар пайдо бўлаётган бир пайтда Ўзбекистонда 2012 йилнинг ўзида тадбиркорларга 905 млрд. сўм миқдорда кредит берилгани, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун эса 405 млрд. сўм ажратилгани, фаровон турмуш, оилалар даромадини ошириш имкониятларини янада кенгайтириши аналтади.

Аммо жаҳон миқдосида рўй бераётган воқеа ҳодисалар, Марказий Осиё минтақасининг жаҳондаги йиллик давлатлар манфаати ўзаро тўқнашадиган ҳудудга айланиб бораётгани чиндан ҳам минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги ҳамда изчил ривожланишига таъсир этиши мумкинлиги ҳар биримизни доимо хушёр бўлишга даъват этади.

Бу давлат ташкилотлари билан бир қаторда мамлакат сиёсий майдонидagi партиялар, нодавлат-ноҳижорат ташкилотлари ҳамда мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликдан энг кўп манфаатдор бўлган ўрта қатлам вакиллари зиммасидаги ижтимоий масъулиятни янада кучайтириши талаб этади.

Зеро, фуқаролар ва миллатлараро тўғривлик, ҳамжиҳатликни кўз қорачиқидек асраб авайласаккина бутун эришган натижаларимиз салмоғи янада ошадди. Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан жой олишга қаратилган ниятларимиз тезроқ ушалади. Юртбошимиз тақдир билан 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берилиши эса бу борадаги интилишларимизни янада кучайтириш, янги босқичга олиб чиқиш учун жуда катта имкониятлар яратилиши, ана шу улкан мақсадга эса бутун жамоатчилик эътибори қаратилишидан далолатдир.



Тўлқин ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

— Маълумки, ҳар қандай давлат ва жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш мураккаб жараён бўлиб, у муайян бир даврни талаб этади.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, бугунги демократик янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари истиқлолнинг дастлабки йилларида бошланган ислохотларнинг мантаний давоми, дея таъкидланган эди. Дарҳақиқат, маъмур Концепция ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг энг устувор йўналишларини қамраб олган узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ҳужжат бўлиб, бугунгача унда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ҳужжатларининг 12 таси қабул қилинди. 30 дан ортми эса кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинапти. Маърузада суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва янада либерал-



Баринохон АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

— Бош қомусимизнинг 20 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройига йилгилан кенг жамоатчилик, дипломатик корпус вакиллари яна бир бор мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллиги ва тадрижийлигига гувоҳ бўлдилар, десак янглишмаймиз.

Давлатимиз раҳбари маърузасида қайд этилган далил ва рақамларнинг иқтисодиётимизни янада тараққий эттириш ва халқаро муносабатларга оид фикрларнинг яқдиллик билан қўллаб-қувватлангани ҳам шундан далолат берди.

Агар поёнига етаётган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ доллари зид маблағ сарфланганини инобатга олсак, чиндан ҳам Ўзбекистонда амалга оширилган ишларнинг қўламини ва миқдосини яққолроқ ҳис этамиз. Шунингдек, ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни янада кучайтириш,

лаштириш, «Хабес корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилинган ҳам алоҳида таъкидланди. Бундан ташқари ахборот тизимини ислоҳ этиш, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари ва телевидение тизимида сўз эркинлигини таъминлаш борасида Концепцияда белгиланган қатор вазифалар амалга оширилгани қайд этилди.

Энг муҳими, Концепция асосида O'zLiDeP электорати манфаатларига бевосита хизмат қиладиган, кичик бизнес тараққиётининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайдиган қатор қонунлар қабул қилинган таъкидлаш лозим. Жумладан, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғри-

Маърузада, шунингдек, янги таҳрирда қабул қилинган «Рақобат тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда улар асосида имзоланган «Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида», «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларнинг аҳамияти хусусида сўз юритилдики, улар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ҳамда юртимизда инвестицион муҳит жозибadorлиги ва кулайлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Концепция ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг энг устувор йўналишларини қамраб олган узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ҳужжат бўлиб, бугунгача унда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ҳужжатларининг 12 таси қабул қилинди.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунларда мулк эгасининг ҳуқуқий устувор аҳамиятига эга экани ҳақидagi ҳал қилувчи принцип — қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу маънода, кириб келаётган 2013 йилнинг Ўзбекистонда «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши халқ фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, таъбир жоиз бўлса, мавжуд имкониятлардан янада кенг фойдаланишда долзарб аҳамиятга эгадир.

моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари ўтаётган йилнинг энг муҳим масалалари саналганини таъкидлаш жоиз. Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳукумат қарори асосида 2012 йилда ҳар бири 48 та хонадондан иборат бўлган 100 та кўпқаватли уй қурилгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Ана шу даврда оилалар фаровонлиги ва даромадини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-ҳуна қоллежи битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. O'zLiDeP электорати бўлган яқка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатга солиқлардан озод этилгани 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

Маърузада кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани ҳам алоҳида тилга олинди. Янги йилда эса O'zLiDeP ўрта қатлам манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий куч сифатида ана шундай рақамларнинг янада салмоқли бўлиши учун барча имкониятларни ишга солиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Агар маърузада 2012 йилда қишлоқ аҳоли пунктларини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича қўрилган қўшимча чора-тадбирларга асосан қарийб 108 миллиард сўм ва 96 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланиб, 1 минг 220 километрдан зиёд янги сув тармоқлари барпо этилгани қайд этилган бўлса, буларнинг бари шубҳасиз «Обод турмуш йили» учун мустаҳкам заминга айланишини таъкидлаш лозим.



Одилжон АШИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

— Президентимиз маърузасида бугунги глобаллашув жараёнлари жаҳондаги йирик давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашадиган минтақамизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилган бежиз эмас, албатта.

Ана шундай бир шароитда салбий воқеаларнинг олдини олиш учун анчадан бундан муҳокама этилаётган энг мақбул вариант — БМТ раҳнамолигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ва АҚШ, НАТО ҳамда Россия иштирокида мулоқот турҳини шакллантириш лозимлиги таъкидланди.

Шу ўринда халқаро ҳамжамиятда катта ақсо берган «Ўзбекистон Республикасининг таъкид сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонуннинг долзарб аҳамиятига тўхталиш жоиздир. Маълумки, ана шу муҳим ҳужжатда Ўзбекистоннинг турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиши, ўзининг суверенитетини ва ҳудудий эҳтиллгини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга экани, ўз ҳудудда

Давоми 3-саҳифада ▶▶

Маҳаллани оилавий бизнес марказига айлантирамиз

2012 йилда O'ZLIDER ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «МАҲАЛЛАНИ ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИШДА «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»НИНГ ИШТИРОКИ ВА РОЛИ» МАВЗУИДАГИ ТАДБИРЛАР НАТИЖАСИДА ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ УЧУН 674 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ



Мухлиса АКРАМОВА,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Маълумки, демократиянинг энг кенг тарқалган шаклларида бири бу — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир. Ўзбекистонда бундай тизимнинг асосий бўғинини жамиятда беқийс уринга эга бўлган маҳаллалар ташкил этади. Шу ўринда жаҳон таърибиде маҳалла, деб аталувчи бетакрор бошқарув институти фақат Ўзбекистондагина мавжуд эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам ислохотларнинг бугунги босқичида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли ҳамда аҳамиятини кучайтириш жараёнида фаол иш

олиб бормоқда. Айна пайтда республикамиздаги 10 000 га яқин маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўлиб, уларнинг 2457 тасига O'zLiDeP аъзолари бўлган оқсоқоллар етакчилиги қилмоқдалар. Уларнинг 572 нафари аёллар экани эса жойларда аёллар фаолиги ошгани, уларнинг жамиятдаги мавқеи юксалётганидан далолатдир. Лекин шунга қарамай, маҳаллалар билан ҳамкорликни янада кучайтириш орқали жойларда хотин-қизлар фаолигини ошириш, уларнинг маънавий салоҳиятини янада юксалтириш асосий вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам, фаолларимиз маҳаллаларда уюштирилаётган турли та-

бирлар билан чекланиб қолмай, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда депутатлар имкониятидан самаралироқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «маҳаллани аҳолини аниқ йўналтириладиган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошланган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор». Бундан шубҳасиз, O'zLiDeP бошқа партияларга нисбатан фаолроқ иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз томонидан Конституциямиз қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидланганидек, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти маҳаллани обод қилишдан бошланишини унутмаслигимиз лозим. Зеро, бу жараён тадбиркорсиз, унинг фаолиятсиз муваффақиятли

амалга ошмайди. Бундан ташқари, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизми ва ваколатларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Аёллар сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда жойларда «Маҳаллани оилавий бизнес ва тадбиркорлик марказига айлантиришда «Аёллар қаноти»нинг иштироки ва роли» мавзудаги тартибот тадбирлари натижасида ишбилармон опа-сингилларимиз учун 674 та янги иш ўрни яратгани ҳам ана шу йўлдаги сай-ҳаракатлар самарасидир. Аммо кириб келаётган янги йилга «Обод турмуш йили» деб ном берилиши бу борадаги ишларимизни бутунлай янги босқичга олиб чиқишимизни та-

қозо этади. Бир сўз билан айтганда, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш ҳамда маҳаллада оилавий бизнесни ривожлантиришда аёлларнинг масъулиятини янада оширишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш лозим. Маълумки, 2012 йилда «Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида ўтказилган танловнинг тўғри ва шаҳар босқичларида 231 нафар хотин-қизга тижорат банкларидан 900 млн. сўм миқдорда кредит олиб берилди. Натияжада тадбиркор опа-сингилларимиз томонидан 670 талдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Янги йилда эса бу рақамларнинг бир неча баробарга ошиши «Обод турмуш йили»даги асосий вазифамиз бўлиб қолади.

ТУРМУШ ЙИЛИ»

Давоми. Бошланиши 1-2-саҳифаларда ◀◀

хорижий давлатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштирилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Зеро, халқимиз ҳар доим юзага келадиган низо-ларни фақатгина тинч йўл билан баргараф этиш тарафдори бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бир сўз билан айтганда, тантанали маросим-да таъкидланганидек, минтақамизда мураккаб ва зият вужудга келадиган, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, қўшни давлатлар ва халқлар билан ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсатини Ўзбекистон халқининг орзу-умид ва интилишларига мос келади.

Зеро, обод турмуш кўнигидаги хотиржамлик, юрдаги осойишталикдан бошланади ва ундан маънавий куч-қувват олади. Юртбошимизнинг «Мустақкам оила йили»да қўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қилиб, кейинги йилни «Обод турмуш йили» деб эълон қилишларига айна шу нуқтага назардан ёндашсак, ҳар томонлама тўғри бўлади.



Клара ЖУМАМУРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Юртимизда ўтган йиллар мобайнида тўпланган тажриба шунини кўрсатмоқдаки, йилга фақат чиройли ном бериш эмас, балки бу гоёни умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун, таъсирчан ва самарали тadbирлар билан ҳаётга татбиқ этиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Яъни — Президентимиз таъкидлаганларидек, «Йилга ном бериш негизда авваламбор ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг ҳаётидан ўриқ олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жалаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш — айна шу каби эзгу мақсад-мудлолар туриши лозим».

Шу маънода, янги — 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берилиши чиндан ҳам юр-тошларимиз кўнглидаги ниятларининг ижобати бўлди, дейиш мумкин. Чунки обод турмуш, гўзал ҳаёт, деган тушунчалар азал-азалдан онгу тафаккуримизда, энг аввало, фаровонлик, тўқинлик, мўл-кўлчилик, қут-барока, бозорлардаги арзончилик маъносини англатади. Шунинг учун ҳам бугун фаровонлик тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган эзгу гоёнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Тантанали маросимда обод турмушнинг яна бир муҳим шarti — бу аёл зотининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жаҳда ва йўналишлардаги ишини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлиши ола-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш ас-

Истиқлол туфайли Ўзбекистонда ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди, деҳқон меҳнати қадрланди. Бунда Бош қомусимизнинг 54-моддасида «Мулқдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади», деган норма аниқ белгилаб қўйилгани асос бўлди.

носида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқ эканини Юртбошимиз қайта-қайта таъкидладилар.

Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш «Обод турмуш йили»да ҳам давлат ва кенг жамоатчиликнинг эътибор-марказида бўлиши лозимлиги тилга олинди. Зотан, ҳар қандай шароитта мослашувчан кичик бизнес ривожисиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ҳам кўз олдимизга келтириб бўлмайди.

— **Айни пайтда бутун дунё катта қизиқш ва ҳавас билан Ўзбекистондаги ўзгариш ва янгилинишларни кузатиб бормоқда. Ҳатто ривожланган давлатларга ҳам қаттиқ таъсир кўрсатган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган тараққиёт йўлининг тўғри ва ҳаётий эканини яна бир бор тасдиқлади.**



Мухаммаджон ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Демократик давлат ва фуқаролик жамияти-ни барпо этиш, иқтисодийни бозор муносабат-ларига ўтказиш асосида энг ривожланган дав-латлар қаторидан муносиб жой олиш борасида

БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА МОЛИЯВИЙ БАҲҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОМ АШЁСНИ КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАШ, ШУНИНГДЕК, ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲИСОБИГА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ДАРАЖАСИ ВА РЕНТАБЕЛЛИКНИ ОШИРИШДАН МАНФААТДОРЛИГИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАРНИНГ МУСТАҚКАМ ПОЙДЕВОРИ БУ — КОНСТИТУЦИЯМИЗДИР. БУ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ИЗЧИЛЛИГИ, ҲАЁТИМИЗДА ЎЗ АКСИНИ ТОПИШИ ЭСА ШУБҲАСИЗ, ОБОД ТУРМУШ ДЕГАНДИР.

Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

Юртимиз обод, турмушимиз янада фаровон бўлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Бундай натижага дунёдаги санокли дав-латларгина эришган-ганини ҳисобга олсак, Юртбошимиз раҳна-молигида ишлаб чи-қилган тараққиёт-нинг «ўзбек модели» нақадар ҳаётбахшли-ги яна бир қарра на-моён бўлади. Тарихан қисқа бир даврда эри-шилган бундай нати-жалар Конституция-миз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларимизнинг юртимиз тараққиёт-ига хизмат қилаётгани-нинг амалий натижа-си ҳамдир.

Мазкур қонунлар-нинг нечоғли ҳаётий бўлиши бевосита пар-ламент фаолиятига боғлиқдир. Олий Маж-лис Қонунчилик па-латаси кўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари маж-лисларида атрофлича муҳокама этилгани-дан сўнг сенат аъзо-лари томонидан ҳам кўриб чиқиш тартиби жорий этилгани эса уларнинг ҳаётийлиги-ни таъминламоқда.

Олий Мажлис Се-натиининг ўнинчи ялпи мажлисида ҳам мамлакатимизда де-мократик янгила-нишлар жараёнини янада чуқурлашти-риш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркиндикла-рини, қонуний ман-фаатларини таъмин-лаш, ишлаб чиқариш тармоқларини модер-низациялаш, шунин-гдек, кичик бизнес ва хусусий тadbиркор-ликни қўллаб-қувват-лашга оид бир қатор янги қонунлар кўриб-чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Кон-ституцияси қабул қилинганнинг йи-гирма йиллиги муно-

сабати билан амнистия тўғрисида» қарор қабул қилинганлиги эса юртимиз-да инсонпарварлик тамой-илларига нечоғли аҳамият берилаётганининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Ялпи мажлисида, шунин-гдек, демократик-ҳуқуқий сайлов қонунчилиги ва уни қилган бўлиб, бу ҳужжат тadbиркорлик субъектлари-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатланти-ришга йўналтирилгани би-лан ҳам аҳамиятлидир.

Юқори палата мажлиси-да иш билан бандликнинг самарали шакллари-ни ривожлантиришга ҳар томон-

лама кўмаклашиши, аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳам маъқулланди. Унда «Обод турмуш йили»да 972,7 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлиб, иш жойла-ри яратишда фуқаролар-нинг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қисми, таълим муассасаларини битираётганларга бирламчи аҳамият берилаётгани алоҳида эътиборга моликдир.

«Обод турмуш йили»да 972,7 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлиб, иш жойла-ри яратишда фуқаролар-нинг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қисми, таълим муассасаларини битираётганларга бирламчи аҳамият берилаётгани алоҳида эътиборга моликдир.

амалиётга татбиқ этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар-нинг тадрижий қисмига ай-лангани эътироф этилиб, «Ўзбекистон Республикаси-нинг Олий Мажлисига сай-лов тўғрисида»-ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашла-рига сайлов тўғрисида»-ги «Ўзбекистон Республикаси қонунлари га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун ҳам муҳо-кама этилди.

Ўрни келганда шунини алоҳида таъкидлаш лозим-ки, «Мамлакатимизда де-мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини рив-ожлантириш Концепция-си»ни рўёбга чиқаришда иқтисодийта оид, хусусан, тadbиркорлик фаолияти мезонларини белгилаб бе-низиациялаш, шунин-гдек, кичик бизнес ва хусусий тadbиркор-ликни қўллаб-қувват-лашга оид бир қатор янги қонунлар кўриб-чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Кон-ституцияси қабул қилинганнинг йи-гирма йиллиги муно-

лама кўмаклашиши, аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳам маъқулланди. Унда «Обод турмуш йили»да 972,7 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлиб, иш жойла-ри яратишда фуқаролар-нинг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қисми, таълим муассасаларини битираётганларга бирламчи аҳамият берилаётгани ало-ҳида эътиборга моликдир. Шу мақсадда қўшма йирик шаҳарлар ва туманларда 900 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказиш белги-ланган. Янги иш жойлари яратишга ҳисса қўшмоқчи бўлган кичик бизнес ва ху-сусий тadbиркорлик субъек-тлари учун 5,1 триллион сўм миқдорда кредитлар ажратилиши назарда тутил-ган.

Мухтасар қилиб айтган-да, сенаторлар томонидан кўриб чиқилиб, маъқуллан-ган ақсарият қонунлар, қарор ва дастур юртимиз ке-лажаги, иқтисодийтаимиз ривожига хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОНДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШ ЖИҲАТИДАН ЖОЗИБАДОР 20 ДАВЛАТ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Буюк Британиянинг Marlesoft консалтинг компанияси шу йил 5 декабрда узоқ муддатли инвестициялар жалб қилиш учун дунёдаги қўлай мамлакатларнинг навбатдаги рейтингни ҳақиқатга маърузани нашр этди. Ўзбекистон ушбу рейтингда дастлабки йигирмата давлат қаторига киритилган. Рўйхатда Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Жанубий Корея ва Малайзия етакчилик қилмоқда. Marlesoft компанияси томонидан ҳисоблаб чиқилган «Ривожланиб бораётган бозорлар индекси» бизнес юритиш учун истиқболли бўлган 175 давлатни ўз ичига олган. Индексида ўтган йилларда иқтисодий кўрсаткичлар, мамлакатнинг инвестиция сарфлаш учун жозибдорлиги, энг сўнгги тарихий ислохотлар ва демографик аҳвол, шу жумладан ўрта синф сонини буйича прогнозлар эътиборга олинган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодийини ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юқори баҳоламоқда. Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муваффақиятлари юртимиздаги сиёсий барқарорлик ва ислохотларнинг изчил амалга оширилишига асосланган етакчи халқаро экспертлар томонидан бир неча бор таъкидланди.

Мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган инқирознинг салбий оқибатларига нафақат ишончли тарзда бардош бермоқда, балки макрониктисодий мувозанатни, юқори иқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръатларини сақлашга эришмоқда. Айниқса, инвестиция соҳасида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар эътиборга молик. Истиқлол йилларида мамлакатда самарали қонунчилик базаси, хорижий сармоядорлар учун кенг қўламли ҳуқуқий қарорлар ва имтиёзлар мажмуи яратилди, хориж капитални йиғирмоқдаги қорхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мамлакатда чет эллик сармоядорларнинг муваффақиятли ишлаши учун барча шарт-шароит яратилганидан ёрқин далолат беради. Буларнинг барчаси Ўзбекистонга инвестиция муҳити энг жозибдор етакчи давлатлар қаторидан муносиб жой эгаллаш имконини беради. Буни Marlesoft компанияси экспертлари яна бир бор тасдиқлади.

(ЎЗА)

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Наргиза ҚАХҚОРОВА,
«XXI ASR»

— Уларнинг қарийб 150 на-фари бошланғич ташкилотлар-га етакчи экани, айниқса, диқ-қатта сазовордир. Биз шаҳар ва туманларда тadbиркор хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда тadbиркорлик кўникмала-рини шакллантиришга қаратил-ган тadbирларни асосан ана шу фаолларимиз кўмагида амалга оширмоқдамиз. Жорий йилда бо-сқичма-босқич амалга оширил-ган «Тadbиркорлик тамойилла-ри — ишбилармонлик имкони-ятлари», «Соғлом оила-мустақ-кам оила», «Оилавий тadbиркор-ликдан — мустақкам оилага» лой-иҳаларига йўналтирилган тadbирлар шулар жумласидандир.

Бугун вилоятда O'zLiDeP аъзолари орасида хотин-қизлар сонини 4600 нафардан эъдиши таш-кил этади. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 70 тага кўп. Биргина шу мисолнинг ўзиёқ худудда O'zLiDePнинг гоё ва

мақсадларини қўллаб-қувватла-ётган аёллар сонини ортиб бораё-тиганидан далолат бериши мум-кин.

Масалан, Оҳангарон тумани-даги «Эртосой сервис» хусусий қорхонаси раҳбари Ҳабиба Мин-глиева туманининг Наманган би-лан чегарадош бўлган энг чекка худудда «Довон» савдо марказ-ини ишга тушириб, 40 та янги иш ўрни ташкил этди. Тиниб-тинчимас партия фаоли «Обод турмуш йили»да эса автомобил-ларга техник хизмат кўрсатиш ва йўловчиларга тез тиббий ёрдам шохбчаларини ишга туширишга ҳозирлик кўрапти. Мазкур лойиҳа амалга оширилса, «До-вон»даги ишчилар сонини 80 на-фарга етади. Яна бир фаолимиз — Юқори чирчиқлик Гулнора-ликдан — мустақкам оилага» лой-иҳаларига йўналтирилган тadbирлар шулар жумласидандир.

Бугун вилоятда O'zLiDeP аъзолари орасида хотин-қизлар сонини 4600 нафардан эъдиши таш-кил этади. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 70 тага кўп. Биргина шу мисолнинг ўзиёқ худудда O'zLiDePнинг гоё ва

иш билан таъминланди.

— Қишлоқ хулудларида исти-қомат қилувчи аёлларни иш би-лан таъминлашни янги босқич-га олиб чиқиш мақсадида худуд-дий бўлинмаларимиз фаолиятини янада жонлантираёмиз, — дейди М.Жамолидинова. — Бун-да жойлардаги фермер аёллар ва тadbиркорлик субъектларининг муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларни баргараф этишда маҳаллий кенгашларда-ги депутатлик гуруҳларимиз аъзолари, Хотин-қизлар қўмита-си, «Қамолот» ЕИХ ташкилоти, «Маҳалла» жамғармаси, шунин-гдек, аёллар манфаатини ҳимоя қилувчи нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши самара беради. Бундай ижтимоий шериклик дутонала-ринини нафақат тadbиркорлик йўналиши, балки, барча соҳа-ларда етакчилик қилишларига ҳам имкон берапти.

«Аёллар қаноти»нинг «Мус-тақкам оила йили» Давлат дас-тури ҳамда O'zLiDePнинг дасту-рий вазифалари асосида жойлар-да ўтказилаётган тadbирларида партия ҳамда унинг жойлардаги

Танловдан сўнг



бўлинмалари томонидан соҳала амалга оширилаётган ишлар ху-сусида батафсил ахборот бери-либ, ижтимоий-иқтисодий соҳа-ларни ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ўзгариш-лар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини қўллаб-қув-ватлаш, уларнинг қабил, маъ-навий ҳамда интеллектуал ўсиш-ларига кўмаклашиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ай-ниқса, қишлоқ жойларда аёл-ларни тadbиркорлик фаолияти-га жалб этиш масаласига катта эътибор қаратилаётгани эса, хо-тин-қизлар сафининг ортиб бо-ришида алоҳида ўрин тутди.

БУНЁДКОРЛИК

Хоразмда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда


Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Янгибой КҲЧҚОРОВ,
«XXI ASR»

— Яқин истиқболда Хоразм мамлакатимизнинг саноат салоҳияти, замонавий аграр тармоғи жадал ривожланаётган ҳудудларидан бирига айланишига шубҳа йўқ, — дейди вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Пулат Бобоносов. — Президентимиз Ислам Каримов шу йилнинг октябрь ойида вилоятимизга ташриф буюрганидан кейин «Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ошириш, туризм соҳасини ривожлантириш, аҳоли ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда ободонлаштириш ишларини тубдан ўзгариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекдилар. Унга асосан иқтисодийнинг барча тармоқларини барқарор ривожлантириш юзасидан пухта ўйланган дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш мақсадларига умумий қиймати 83,1 миллион АҚШ доллари миқдоридан 94 та, шу жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга 23 та (28,1 миллион АҚШ доллари миқдоридан), шундан томат паста ва кетчуп ишлаб чиқаришга 7 та (6,1 миллион АҚШ доллари миқдоридан), гўшт ва сўт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 9 та (9,4 миллион АҚШ доллари миқдоридан), қандолат, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 41 та (16,2 миллион АҚШ доллари миқдоридан) ҳамда озиқ-овқат саноати базасини кенгайтиришга 16 та (16,2 миллион АҚШ доллари миқдоридан) лойиҳа йўналтирилди. Хоразм шароитида сифатли ва у қадар қиммат бўлмаган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳам ўта муҳимдир. Ана шу мақсадда ишлаб чиқилган 57 та лойиҳага 27,3 миллион АҚШ доллари миқдоридан сарфланади. Бунда «Қўшқўпир селитра заводи»нинг ишлаб чиқариш қувватларини бир неча баробарга ошириш билан бирга Урганч шаҳри ва Гурлан туманида гипсоскартон, асбестцемент труба-лар ишлаб чиқарилади. Машина-созлик, электротехника ва бутловчи қисмлар соҳасида умумий қиймати 207,1 миллион АҚШ доллари тенг 33 та лойиҳа тасдиқланган. Биргина «Ўзавтосаноат» компанияси 16 та лойиҳа доирасида 780 та янги ишчи ўрни яратди. Бундан ташқари йилга 40 минг дона «ДА-МАС» русумли автомашина ишлаб чиқариш ва улар учун ҳар йили 40 минг дона бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Пулат Бобоносов кўрсатган ҳужжатлар, йирик лойиҳалар билан танишиб, чиндан ҳам Хоразмда янада улкан режаларга қўл урилатганига гувоҳ бўлди.

Келгуси 3 йилда туманимизда жами 15 та истиқболли лойиҳа амалга оширилади, — дейди Янгибозор тумани ҳокими, вилоят кенгаши депутаты Озодбек Мадрохмов. — Бошқача айтганда, ана шу лойиҳалардан 10 таси 2013, 4 таси 2014, 1 таси 2015 йилда амалга оширилиши белгиланган бўлиши мумкин. Улар орасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қалоқлашдан тўрттириш, таъминотлиқ саноати лойиҳаларига бор. Агар 1991 йили туманда жон бошига атиги 12,1 килограмм картошка етиштирилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 139 килограммни ташкил этди. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми ҳам бир неча баробарга ошди. Тумандаги 448 та фермер хўжалигидан 211 таси пахтачилик ва галлачилик, 133 таси боздорчилик ва узумчилик, 7 таси сабзавотчилик ва полизчилик, 14 таси чорвачилик, қолганлари паррандачилик, асаларчилик, балиқчилик ва бошқа соҳаларга ихтисослашган. Улар 2011 йилда 197 тонна гўшт, 3748 тонна сўт, қатта миқдорда туҳум ва асал етиштирдилар. Шу билан бир қаторда туман корхоналари томонидан 29,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Кичик бизнес ва хусу-



Хоразм вилояти ҳокими, Олий Мажлис сенати аъзоси П. Бобоносовнинг таъкидлашича, энди Хоразм вилоятида йилига 40 минг дона «ДАМАС» русумли автомашина ишлаб чиқарилади ва улар учун бутловчи қисмлар тайёрланади.

сий тадбиркорликка эса алоҳида аҳамият берилмоқда!

Ҳақиқатан ҳам, яратиб берилган имкониятлар боис хоразмлик саноатчи ва фермерлар энг илгор мамлакатлар андозасида ишлайдиган замонавий хўжаликларни таъсис этмоқдалар. Шу ўринда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси кўмағида Шовот туманида ташкил этилган «Темирйўлбод» чорвачилик мажмуасида Австриядан келтирилган 600 бош эгдор қорамол боқилаётгани алоҳида таъкидлаш лозим. Тез орада мазкур мажмуада сўт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган шохобчалар ишга туширилади. Мажмуа раҳбари Қосимбой Жуманиёзовнинг таъкидлашича, «Темирйўлбод»да жаҳон чорвачилиги ва селекциясининг энг сўнгги тажрибаларидан самарали фойдаланилади. Бу ерда паррандачилик ҳам жадал ривожлантирилади. Умуман,

Шовотда иқтисодий ислохотларни янги ўзгариш бурисида далил қаламлар қўйилмоқда. Хусусан, туманда чучумкия илдиридан ноёб экстракт олинаётгани, шу йилнинг май ойида 35 тонна чучумкия илдири Японияга экспорт қилинганлиги қайд этиш мумкин. «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Ўзкимёсаноат» компанияси кўмағида эса «Шовот шиша идишлари» маъсулияти чекланган жамияти негизда йилга 20 миллион дона шартли банка ишлаб чиқариладиган қўшма корхона тўзилоқда. Бунинг учун 15,6 миллион АҚШ доллари миқдоридан сармоя жалб этилади. Мазкур ҳаракатга «Қўнғирот сода заводи» унитар корхонаси қўлқонати ўтказди. Юқоридан тилга олинган Богот, Хонққа, Янгибозор, Шовот билан биргаликда Хива, Гурлан, Янгиарик, Урганч, Ҳазорасп туманларида ҳам эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилатганини таъкидлаш мумкин.

ХАБАРЛАР

ТАДБИРКОРГА ЕНГИЛЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА

Миллий матбуот марказида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратиш, бу борада қўл қўйилган қонун ҳужжатлари ва фармонлар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилатган ишлар юзасидан Давлат статистика қўмитаси матбуот аниқламаси ўтказди.

Хусусан, йилги ишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлидаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-қоидаларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан жами 65 та статистика ҳисоботи шакллари бекор қилинган, мазкур соҳага оид ҳисоботларнинг 23 тасини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилган, ўз навбатида шу вақтгача зарур ҳисоботларни ҳар чоракда тақдим этган кичик корхоналар 2013 йилдан бу ишчи йилда бир марта амалга оширишлари таъкидланди.

Тадбирда, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганлар учун статистик маълумотларини олиш тартиби бир мунча соддалаштирилгани айтиб ўтилди.

ФАРМОН МОҲИЯТИ КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА

O'zLiDeP Шахрихон тумани кенгашида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган давра сўбати ўтказилди. Туман кенгаши депутатлари, «Сийёсий ташкил маркази» вакиллари, БППлар раислари ҳамда партия фаоллари иштирок этган тадбир қатнашчилари Юртбошимизнинг Фермерлар кенгаши аъзоларига йўллаган мурожаатномаси билан танишдилар.

Тадбирда, шунингдек, фермер хўжаликлари кенгашлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, фермерлар орасида депутатликка муносиб номзодларни танлаш ва истиқболли калдрлар захирасига олиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

«NEXIA» VA «MATIZ» NI QUVIB UTDI

«General Motors Uzbekistan» EAJ qўshma korxonasi oktyabr oyining 5-ida Kozog'istonga utgan yilning shu davriga nisbatan 2,38 mara kўp, ya'ni 885 ta avtomobil eksport qildi. UzDaily.uz saytida xabar qilinganicha, 2011 yilning oktyabrda qўshni mamlakatta jami 372 ta avtomobil chiqargan «GM Uzbekistan» «Toyota» korporatsiyasini ortda qoldirgan holda Kozog'istonda eng kўp sotiladigan avtomobillar reytingining ikkinchi pog'onasiga kўtarilib olgan. Asaka zavodida ishlab chiqariladigan alohida kўrsatkichlariga kelajakda «Nexia» bu pўyxatda tўrtinchi, «Matiz» esa ettinchi urinni band etgan. Ta'kidlash joiz: 2011 yilning 9 oy davomida Kozog'istonda 1262 ta mashina sotgan «General Motors Uzbekistan» joriy yilning ana shu davrida bu kўrsatkichni 2185 taga etkazishga erishgan.

ФАРФОНА:

Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 25 миллиард ажратилди

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ ИНСОННИНГ ЭНГ СОФ ВА ПОКИЗА ТУЙҒУЛАРИ, ИЛК ҲАЁТИЙ ТУШУНЧА ВА ТАСАВВУРЛАРИ ОНА ТАРБИЯСИ ОРҚАЛИ ШАКЛЛанади. БУ ЖАМИЯТДА АЁЛЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ БЕҚИЁС ЭКАНИДАН ДАЛОЛАТДИР. АЙНИ ПАЙТДА ФАРФОНА ВИЛОЯТИДА ҲАМ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Ахроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI ASR»

— Бугун вилоятда 1 миллион 649 минг нафарга яқин хотин-қизлар истиқомат қилапти, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Ходжаева. — Уларнинг 1731 нафари раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Манзура-хон Мадалиева ва Патихон Эргашева сингари юртдошларимизга «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвон берилган, 13 нафар ёш иқтидорли қизимизнинг «Зулфия» номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган ҳам фарғоналик шунинг камтарона меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди.

Айни пайтда Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари тўғрисида вилоятда хотин-қизлар масаласига бўлган эътибор янада кучайтирилмоқда.

Бугун қай бир туман, қишлоқ ва маҳалла бўлган ҳам уларнинг аҳолиси шу эътибор натижасини кўрасиз. Бу жараёнда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни оилавий турмушга тайёрлаш, қайларда эрта никоҳ қайд этилишининг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилапти. Жорий йилнинг ўтган даврида барча таълим муассасаларида ушбу мавзуда 5 мингдан ортиқ турли суҳбатлар ўтказилди. 800 мингга яқин хонадонга махсус жамоатчилик кенгаши аъзолари ташриф буюриб, оиланинг муқаддаслиги, ёшларнинг эрта турмуш қуришлари оқибатлари ҳақида йўл-йўриқ ва тавсиялар беришди. Ана шундай тадбирлар асосида «Оиламиз, жамиятимиз эртасини билимдон

ёшларга берайлик!» мавзусида вилоят аҳлига мурожаатнома қабул қилди. Натижада фарғоналик ёшларнинг жамият ҳаётидаги иштироки кучайди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида эса хотин-қизлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Яна бир тадбир — «Аёллар спорт фестивали»нинг шаҳар ва туман босқичларида 5 мингдан ортиқ, вилоят босқичида эса 520 нафар ола-сингилларимиз иштирок этдилар. Бугун вилоят қизларининг 34 фойизи спорт билан мунтазам шуғулланаётганининг боиси ҳам шунда. Жорий йилдан бошлаб вилоятда «Баҳор маликалари» спорт мусобақаси ташкил этилиб, унда қизларимиз спортнинг 5 та тури бўйича беллашаётганларини таъкидлаш жоиз. 4 мингдан ортиқ қизларни спортга ошно этаётган ушбу мусобақани энди ҳар йили ўтказишга қарор қилдик. Спортнинг энгил атлетика ва балдий гимнастика турлари билан эса 3 мингдан зиёд қизимиз шуғулланмоқда. «Фонд Форум» томонидан ўтказилган «Кичкинтой»-«Baby» V-халқаро болалар турнири ҳам Фарғона жамоаси махсус дипломага эга бўлди. «Олимпия умидлари» республика турнирида эса 1999-2003 йилларда тутилган ҳам Фарғона жамоаси махсус дипломага эга бўлди. «Олимпия умидлари» республика турнирида эса 1999-2003 йилларда тутилган ҳам Фарғона жамоаси махсус дипломага эга бўлди.

Шу ўринда Фарғона вилоятида аёлларни фойдала меҳнатга жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Хусусан, «2012 йилда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳудудий дастури»га кўра, ўтаётган йилнинг 11 ойида аёллар учун ушбу мавзуда 5 мингдан ортиқ турли суҳбатлар ўтказилди. 800 мингга яқин хонадонга махсус жамоатчилик кенгаши аъзолари ташриф буюриб, оиланинг муқаддаслиги, ёшларнинг эрта турмуш қуришлари оқибатлари ҳақида йўл-йўриқ ва тавсиялар беришди. Ана шундай тадбирлар асосида «Оиламиз, жамиятимиз эртасини билимдон

қизга 25 миллиард 670 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

— Бу 2011 йилга нисбатан 2,5 баробарга кўпдир, — дейди Марказий банкнинг Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи Садриддин Қўчқоров. — «Обод турмуш йили»да ҳам аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ишчилар давом эттирилади.

Марказий банк мутахассислари ўтган даврда Қўштепа, Ўзбекистон туманларида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, аёлларни оилавий тадбиркорликка жалб этишга ажратилган кредитлар миқдори кескин ошганини қайд этмоқдалар.

Шу ўринда Фарғонада хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларидаги фаолияти ҳам сезиларли даражада ошганини тилга олиш мумкин. Хусусан, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар натижасида сиёсий партияларда фаолият олиб бораётган аёллар 39,7 фойиздан 49 фойизга ошган. Жорий йилнинг ёзида Қўқон шаҳрида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, маънавий салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўртасида зарарли иллатлар тарқалишининг олдини олиш юзасидан тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида «Оиланинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий даражаси — жамият олдидаги бурчи ва маъсулияти» мавзусида амалий мулоқот ўтказилди.

Бугун жаннатмақон Ўзбекистонимизда аёлларнинг ҳалол меҳнат қилиб тадбиркорлик қилишлари билан бир қаторда илм-фан йўналишида уларнинг синнаб кўришларига кенг имкониятлар яратилганки, фарғоналик аёллар ҳам ўз меҳнатлари билан бу жараёнда фаол иштирок этмоқдалар.

НАМАНГАНДАГИ БИТА КОРХОНАДА МАҲСУЛОТЛАР ТУРНИ 70 ТАГА ЕТКАЗИЛДИ

Бундан икки йил аввал қарий 70 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестиция эвазига Наманган туманида ташкил этилган «Unilever chemical» қўшма корхонасида 70 турли маҳсулот — кир ювиш, шахсий гигиена ва парфюмерия воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, корхонанинг миқдорларга етказиб бераётган маҳсулот ҳажми ҳам энгил ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2010 йилда 272 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 314 млн., жорий йилнинг 9 ойида эса 323 млн. сўмликни ташкил этди.

Наманган вилоят ҳокимлиги ахборот қизматининг хабар қилишича, дастлаб фақат атир совун ишлаб чиқарган, кейинчалик эса шампунь, суяқ совун, гелли ювиш воситаларини сотувга чиқара бошлаган корхонанинг асосий эътибори энди ҳам ашёни маҳаллийлаштиришга қаратилмоқда.

— Илгари шампунь тайёрлаш учун зарур бўлган ҳам ашёнинг 90 фойизини валютга хориждан сотиб олар эдик, — дейди қўшма корхона директори Аҳмадхон Муҳиддинов. — Иланишлар натижасида мазкур маҳсулот таркибидagi маҳаллий хом ашё миқдори 70 фойизга етказилди.

Шу ўринда корхонада меҳнат қилаётган 20 нафар ишчининг 10 нафари касб-ҳунар коллеж битирувчилари эканини айтиш лозим.



«ҚИШЛОҚХЎЖАЛИК-КИМЁ»

шўъба корхонасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, маслакдошлар сафини сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш ва иш юритиш хужжатларини тартибга солиш масалалари муҳокама қилинди.



ДЕҚҚОНБОД ТУМАН КЕНГАШИДА

«БПТлар фаолиятини ўрганиш ва жонлангириш» мавзусида очик мулоқот ўтказилди. Тадбирда БПТларнинг 9 ойлик фаолияти сарҳисоб қилиниб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.



НАМАНГАН ТУМАНИ

Марказий кутубхонасидаги бошланғич партия ташкилотидида «O'zLiDeP олдида турган устувор вазифалар ва унда БПТларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

50 (474)-сон

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

2012 йил

13

декабрь, пайшанба

Фаоллик ўзимиздан бошланади

НАВОИЙ ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ҚЎЙИ БЎҒИНЛАР СОНИ ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ: «ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИГА ҚАРАШЛИ «ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР» ШЎЪБА КОРХОНАСИДА O'ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИГА АСОС СОЛИНДИ


Мансур АСЛАНОВ,
«XXI ASR»

Савол туғилади: хўш, ушбу БПТ жамоанинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қандай аҳамиятга эга? Энг, аввало, ишчи-хизматчиларнинг масъулияти ошиб, улар жамиятни демократлаштириш, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни рўёбга чиқариш, шахс эрки ва ҳуқуқларини таъминлашда O'zLiDePнинг катта имкониятларга эга эканлигини тобора чуқурроқ англаяптилар. Бу эса уларни янгиладан-янгидан марраларга руҳлантирмоқда.

— 2011 йилда Навоий техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини битириб, бир неча курсдошим билан корхонага ишга келганмиз, — дейди Шерали Бозоров. — Дастлаб малакали мутахассислардан тажриба ўргандик, замонавий ускуналар билан «тиллашиш» сирларини эгалладик. Эндиликда уларни мустақил равишда бошқараямиз. Корхонамизда O'zLiDeP бошланғич ташкилотига асос солинганлиги айни муддао бўлди. Биз ҳам кўнглимиз амрига қулоқ тутиб, унга биринчилар қаторида аъзо бўлдик. Ўйлаيمанки, бу сиёсий билим ва дунёқарашимизни ошириш, жамиятни янгилаш ҳамда демократлаштириш жараёнидаги иштирокимизни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда бозор талаблари асосида фаолият юритиш ютуқларига йўл очиб берадиган яхши маълум. Корхона жамоаси ҳам шундан келиб чиқиб, рақобатбардош ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу борада кадрларнинг интеллектуал салоҳияти ҳамда сиёсий фаоллигини ошириш муҳим омил ҳисобланади. Партия аъзоларининг ўз бурчи ва топширилган ишга масъулиятини ҳар қачна эътироф этса арзийди. БПТ улар ёрдамига таяниб, мавжуд иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратмоқда.

— Жамоамиз аъзоларининг учдан



бир қисми маслакдошларимиздир. Албатта, бу бизни мамнун этади, — дейди БПТ етакчиси Ҳамдам Каримов. — Сафимиз ёшлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Зеро, улар катта куч ва имкониятларга эга. БПТ ишчи-хизматчилар учун меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш, корхонада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Маънавият хонасида Юртбошимиз Ислам Каримовнинг асарлари ва ҳукумат қарорлари тўпламлари, қонун мажмуалари, вақтли мабуот нашрлари тақдими ҳамда тегишли мультимедиа воситалари ўрин олган. Фаолларимиз бу ерда тез-тез бўлиб, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширмоқдалар.

Шуни қайд этиш керакки, БПТ билан юқори партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳи вакиллари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Белгиланган ҳаракат дастури ва иш режасига мувофиқ, маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳар ойда учрашувлар ўтказиб турилади. Бундан мақсад, БПТ аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишдан иборатдир. Ҳозиргача корхона муҳандис-техник ва иқтисодчи мутахассислардан 10 нафари O'zDST/ISO- 19011; ISO-9001; OHSAS- 1800 халқаро стандартлари талаблари асосида ички аудит ҳамда O'zDST/ISO- 19011; ISO-9001; OHSAS-1800 халқаро стандартлари талаблари асосида сифатни бошқариш тизимлари моҳияти йўналиш-

ри бўйича махсус курсларда малака оширилди. Бу эса ишлаб чиқаришда халқаро сифат менежменти тизимини жорий этиш, атроф-муҳит муҳофазаси, касбий хавфсизлик ва ходимлар саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этаётгани шубҳасиз. Бир сўз билан айтганда, «Полиэтилен қувурлар» шўъба корхонаси ўзи ташлаган тараққиёт йўлидан дадил илдамламоқда. Бу борада жамоа ўртасидаги изланиш ва аҳиллик, уларни гоявий-сиёсий фаолликка ундаётган БПТнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Партия дастурида белгиланган гояларни кенг тарғиб қилиш, қўзланган эзгу мақсадларни тўла рўёбга чиқариш фаолларнинг галдаги асосий бурчи ҳамда вазифаси бўлиб қолади.

НУҚУСДА МАҲАЛЛАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЯПТИ

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим» маркази Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» номли маърузасида белгилаб берилган вазифалар муҳокама қилинди. — Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, БПТ етакчилари ҳамда ННТ вакиллари иштирок этган тадбир асосий эътибор қўйи бўғинлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш масалаларига қаратилди, — дейди O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ботир Бекжанов. — Бу борада, айниқса, аниқ режа асосида ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда маҳаллави оилавий бизнес марказига айлантириш лозимлиги таъкидланди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда уюштирилган семинарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари олдида турган долзарб вазифалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.



ЭНГ АВВАЛО ДЕПУТАТЛАРГА СУЯНИШ КЕРАК

O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» томонидан депутатлик гуруҳлари, бошланғич партия ташкилот раҳбарлари ва партия фаоллари учун навбатдаги семинар ташкил этилди. Машғулотларда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган маърузаси ва конференция материалларида қайд этилган устувор вазифалар ижроси муҳокама қилинди. Қизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтган тадбир натижасида партия электорати манфаатини ҳимоя қилишда депутатлар ваколатларидан самарали фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Ёшлар — партиявий гоялар ташаббускори

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ СИЁСИЙ ПАРТИЯ ИМИЖИ ВА ЭЛЕКТОРАТ ЎРТАСИДАГИ НУФУЗИ УНИНГ ҚЎЙИ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОРҚАЛИ ШАКЛЛанади. ЧУНКИ УЛАР ОММА БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ, ПАРТИЯНИНГ ГОЯ ВА МАҚСАДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА ЕТАКЧИ БЎҒИН САНАЛАДИ

Абулфайз САЙИДСКАРОВ,
«XXI ASR»

«Гулистон экстракте» ОАЖ қошидаги БПТ фаоллари буни дилдан ҳис этиб, партиявий бурча алоҳида масъулият билан ёндашмоқдалар. Чигит хом ашёсидан 6 хил маҳсулот — ўсимлик ёғи, хўжалик совуни, шрот, шелуха ва кунжара ишлаб чиқараётган 718 кишилик улкан жамоанинг 368 нафари партия аъзоси экани ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин.

— Ўз фаолиятимиз давомидида ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаймиз, — дейди БПТ раиси, «Гулистон экстракте» ОАЖ бош муҳандиси, халқ депутатлари Гулистон шаҳар кенгаши депутати Хусанжон Каримов. — Чунки улар келажакимиз, жамиятимизнинг асосий таянчларидир. Ёшларнинг сиёсий фаоллиги туфайли корхонамизда O'zLiDeP хайрихоҳлари кўпайиб бормоқда. Яқинда яна 2 нафар ҳолим партия сафига қўшилди. Ёшлар ташаббуси билан ҳар бир байрам ва муҳим сиёсий воқеаларга бағишлаб турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Маълумки, электорат эътиборини жалб қилиш учун, энг аввало, улар ишончини қозониш, омма манфаатларидан келиб чиқиб иш тутиш талаб этилади. БПТ фаоллари шуни назарда тутиб, ишчи-ҳодимларга имтиёзли кредит олиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш масалаларида ҳам

яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

— Гулистон шаҳридаги аксарият БПТларга сиёсий жиҳатдан етук, ташкилотчилик қобилиятига эга ёшлар етакчилик қилишмоқда, — дейди O'zLiDeP Гулистон шаҳар кенгаши аппарати раҳбари Ўткир Жўраев. — Зеро, улар фаол, ташаббускор бўлиш билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини чуқур ҳис этишади. «Гулистон экстракте» ОАЖ қошидаги БПТ раиси Хусанжон Каримов ҳам ана шулардан биридир. Унинг халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати сифатида маълум ваколатларга эгаллиги ҳам сиёсий фаолият доирасини кенгайтиришга, депутатлик гуруҳи билан алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Шуни таъкидлаш керакки, БПТ аъзоллигига янги номзодлар қабул қилинар экан, уларнинг дунёқарашини, мамлакатимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабати ҳам эътибордан четда қолдирилмайди. Мақсад — маслакдошларда фаол фуқаролик позициясини, O'zLiDePнинг гоя ва мақсадларига садоқатни шакллантиришдан иборат.

Умуман, БПТ атрофига уюшган партия аъзолари соғлом тафаккур ва ташаббускорлик билан ҳам жамоага ибрат бўлишмоқда. Бу эса соғлом рақобат ва фаоллик муҳитини шакллантириб, ишлаб чиқаришда янгиладан-янгидан ютуқлар олиши бўлаётир. Ҳозирда корхонада кунига 650 тонна чигит қайта ишланиб, 105 тонна ўсимлик ёғи иш-



лаб чиқарилмоқда. Шаҳар сановат ишлаб чиқаришда корхона улushi 26,9 фоизга етгани ҳам жамоа аъзолари, жумладан, БПТ фаолларининг гайрат-шижоатидан далолат бериб турибди. Мамлакатимиз Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги фармонида асосан 9 ой мобайнида маҳсулот таннархини 1,39 фоизга камайтиришга эришилди.

— Дарҳақиқат, бүгун корхона ҳаёти-

ни гоявий-сиёсий ишлардан айри тасаввур этиш қийин, — дея сўзини давом эттирди Х.Каримов. — Биз шуни назарда тутиб, ўз фаолиятимизга янгича талаблар асосида ёндашишга, маслакдошларимизнинг билим ва малакаларини оширишга ҳаракат қилаяймиз. Кейинги лойиҳада маҳсулот ва хом ашё харажатларини камайтириш, энергия ресурсларини тежаш бўйича ҳам БПТ фаоллари турли инновацион таклифларни илгари сурмоқдалар. Бу ҳам, шубҳасиз, жамоа ўртасида олиб борилаётган партиявий-сиёсий ишларнинг амалий самарасидир.



Мамлакатимизнинг барча
худудларида

2013 ЙИЛ УЧУН
«XXI ASR»

ИЖТимоий-сиёсий газетасига
обуна давом этмоқда.


Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

БАНК ТИЗИМИ

Реклама ўрнида

Сармоялар иқтисодийётнинг устувор соҳаларига

МАМЛАКАТИМИЗДА БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЭНГ УСТУВОР Йўналишларидан бири бўлиб, ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН МАЗКУР СОҲА ҲАР ТОМОНЛАМА Қўллаб-қувватланиши туфайли республикада жаҳон стандартларига мос замонавий банк-молия тизими шаклланди



Бугун Сурхондарё вилоятида ҳам аҳоли учун сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиш, янги иш ўринлари очиб, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкнинг Сурхондарё вилоят филиали ҳам ана шу жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида иқтисодийётнинг муҳим тармоқларини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш кун тартибидати муҳим масалалардан биридир. Бунга яхши аниқлаш мазкур молия муассасаси асосий эътиборини иқтисодийётнинг «локомативи» дея эътироф этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорликни янада тақомиллаштириш ва содда-лаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, мавжудларини эса модернизациялаш ва технология янгиллашга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ҳажминини оширишга қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлик соҳасига миллий валютада жами 14,0 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Бунинг натижасида 121 та янги иш ўрни очилди.

— Кўп йиллардан бери «Асака» банк мижозимиз, — дейди «Пулт Алп» хусусий корхонаси раҳбари Пулат Алпамишев. — Жорий йилнинг бошида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниётида кредит сўраб банкка мурожаат қилган эдик. Банк мутасадди ходимлари мурожаатимизни қисқа фурсатда ўрганиб чиқиб, корхонамизга имтиёзли шартлар асосида кредит маблағлари ажратиш бўйича қарор қабул қилинди. Бунинг ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириб, янги иш ўринлари очиб эришдик.

Мамлакатимиз ички истеъмол бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бозор пештахталарини ўзимизда тайёрланаётган маҳсулотлар билан тўлдириб ва аҳоли талабларини қондириш долзарб вазифалардан бири саналади. Сурхондарёда ҳам бу бордаги ишлар самарали ташкил этилган, десак адашмаймиз. Бунда, айниқса, «Асака» банк томонидан йўналтирилаётган сармоялар ҳам муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда. Хусусан, вилоятда паррандачиликни ривожлантириш, тухум ва гўшт маҳсу-

лотларини кўпайтириш ва замонавий ускуналар келтириш мақсадида банк томонидан жорий йилда 8,4 млрд. сўм миқдорда кредит йўналтирилди. Бунинг натижасида қишлоқда бунёдкор ва етакчи кучга айланиб бораётган фермер хўжалиқлари ва корхоналар сони ортмоқда. «Мовароуннахр» фермер хўжалиги ҳам банкнинг имтиёзли кредитига эга бўлиб, маҳсулотлар ҳажминини ошириб халқимиз дастурхонига сифатли, арзон тухум ва гўшт маҳсулотини етказиб бераётган.

Президентимизнинг «Мамлакатимизда нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 29 январдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мазкур тармоққа жами 1,1 млрд. сўм миқдорда маблағ йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугун республикаимизнинг барча минтақаларида

бўлганидек, Сурхондарёда ҳам тадбиркорликка қўл уриб ҳам давлатга ҳам оила-сита наф келтираётган хотин-қизлар сони ортиб бормоқда. Бу ҳам бўлса мустақилликнинг дастлабки йилларида опа-сингилларимизни жамиятнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган ислоҳотлар самарасидандир, албатта. Ана шулардан келиб чиқиб, жорий йилда «Асака» банкнинг вилоят филиали томонидан аёл тадбиркорларга 500 млн. сўм миқдордаги кредит маблағлари ажратилди.

Айни пайтда «Асака» банк хизматларидан эрта-миз эгалари бўлган ёшлар бениҳоя хурсанд. Чунки банк жамоаси касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш ва улар фаолиятини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга етакчи молия муассасаларидан бири саналади. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ана шу мақсадлар учун банк томонидан 700 млн.

сўм маблағ ажратилгани фикримиз тасдиғидир. Ушбу сармоялар натижасида 10 га яқин коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.

— Тадбиркорликка иштиёқим жуда баланд, — дейди Қизилқоғил қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Зебунисо Эшнӣёзова. Шу боис «Асака» банкнинг вилоят филиалидан имтиёзли кредит олганим. Банкнинг ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаши туфайли тез орада оёққа туриб, айни пайтда паррандачиликни йўлга қўйдим.

Ҳа, дарҳақиқат қаерда уюшқоқлик ва яқдиллик бўлса, у ерда янгидан-янги муваффақиятларга эриши-лаверади. «Асака» банкнинг Сурхондарё вилоят филиали жамоаси ҳам ушбу ҳаётини омиллардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга интиломоқда. Бу эса ўзининг юксак самараларини бериши шубҳасиз.

Банк матбуот хизмати.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК СОҲАСИДАГИ КАТТА ИМКОНИЯТЛАР

Миллий матбуот марказида «Касаба уюшмалари фаолиятида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси (ЎКУФ) ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида касаба уюшмалари фаолияти билан боғлиқ ижтимоий шериклик меҳнат муносабатлари, бандлик, иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя каби йўналишларда яққолроқ намоён бўлмоқда. Бу эса инсон манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Матбуот анжуманида Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув касаба уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиққани, хусусан, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасидаги шартномавий муносабатларни мустақамлашга хизмат қилаётгани эътироф этилди.

— 2012 йилнинг ўн ойи мобайнида жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари орқали ижтимоий шериклик асосида қарийб 15 минг нафар фуқаро ва 110 мингта оилага 31 млрд. сўмдан ортиқ ижтимоий кўмак берилди, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси Танзила Норбоева. — Хусусан, кам таъминланган оилаларнинг 51,5 мингтага моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш, уй-жой қуриш учун 2248 нафар ёш келин-куёвга фозисиз ссудалар ажратилди. Олий ўқув юртурларида тахсил олаётган 2233 нафар талабанин шартнома пуллари тўлиниб, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 30 минг нафар фарзандлари зарур ўқув қуроллари билан таъминланди. Ўз навбатида, ижтимоий шериклик асосида жойларда ёш оилалар учун 1000 дан зиёд янги иш ўринлари яратилганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Тадбир якунида ЎКУФ бир қатор қонун ҳужжатларини тайёрлаш, жумладан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этгани таъкидлаб ўтилди.

Эълон

2011 йил 9 сентябрда Тошкент шаҳар Адлия вазирлиги томонидан №4531 рақами билан рўйхатга олинган «PROFIT TRADE SYSTEM» ОАЖ қўшма корхонаси ўз Устас фондига 543 000 000 сўмдан 279 000 000 сўмга камайтиригани эълон қиладди. Эътироз ва мурожаатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23-уй. Тел: 199-20-88.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР Йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа фоялари бўйича танлов эълон қиладди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизimini янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокчини рағбатлантириш орқали улар учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа фоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштиришига кўмаклашилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгиллаш.

Танловга инвестиция жозибдорликка ва саноат соҳасида таъбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа фоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа фояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ариза (намуна бўйича);
- Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича);
- Батафсил маълумот учун;
- Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
- Web-site: www.fpd.uz;
- E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқдол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун БУЮРТМАНОМА

- _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
- _____ (тақдим этилаётган гоявий лойиҳаниннг тўлиқ номи)
- _____ (Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

- Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
 - Инвестиция таклифи;
 - Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳаниннг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар: номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури; асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар: корхонанинг номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари; охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар); умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари; мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; кадрлар потенциалли.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
 - 4.1. Маркетинг: ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогностлаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.
 - 4.2. Ишлаб чиқариш: лойиҳаниннг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси; зарур бўладиган ҳолимлар сони.
 - 4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш: инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
 - 4.4. Молиялаштириш: лойиҳаниннг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати; объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
 5. Лойиҳани амалга оширишдан қутилиётган натижалар: қутилиётган йиллик тушум ва соф фойда; экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лоийҳаниннг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳаниннг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг. долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишла банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳаниннг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ			



ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР!

**Сиз 2013 йилда
ўз маҳсулотингиз
ва хизмат турларингиз
ҳақидаги реклама
ва эълонларингизни
100 минг мижозга
бепул етказиб
беришни истайсизми?**

**УНДА «XXI ASR»НИНГ
«ТАДБИРКОР ВА
ФЕРМЕРЛАР УЧУН
ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ»
АКЦИЯСИДА ҚАТНАШИНГ!**

**«XXI ASR»ГА 1 ЙИЛ МУДДАТГА
1 ДОНА ОБУНА УЮШТИРГАН
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ВА
ФЕРМЕР 250 МИНГ
СЎМЛИК РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАРИНИ
ЎЗИ УЧУН ҚУЛАЙ МУДДАТДА
ЧОП ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛАДИ.**

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
8(371) 215-60-45, 215-63-80, 281-40-17.

Tahririyat manzili: Toshkent sh, «Nukus» ko'chasi, 73a-uy.
Web sayt: www.21asr.uz, e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru.

Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь
д с ч п ж ш я	д с ч п ж ш я	д с ч п ж ш я	д с ч п ж ш я	д с ч п ж ш я	д с ч п ж ш я
1 2 3 4 5 6	1 2 3	1 2 3	1 2 3 4 5 6 7	1 2 3 4 5	1 2
7 8 9 10 11 12 13	4 5 6 7 8 9 10	4 5 6 7 8 9 10	8 9 10 11 12 13 14	6 7 8 9 10 11 12	3 4 5 6 7 8 9
14 15 16 17 18 19 20	11 12 13 14 15 16 17	11 12 13 14 15 16 17	15 16 17 18 19 20 21	13 14 15 16 17 18 19	10 11 12 13 14 15 16
21 22 23 24 25 26 27	18 19 20 21 22 23 24	18 19 20 21 22 23 24	22 23 24 25 26 27 28	20 21 22 23 24 25 26	17 18 19 20 21 22 23
28 29 30 31	25 26 27 28	25 26 27 28 29 30 31	29 30	27 28 29 30 31	24 25 26 27 28 29 30
Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
д с ч п ж ш я	д с ч п ж ш я	д с ч п ж ш я	д с ч п ж ш я	д с ч п ж ш я	д с ч п ж ш я
1 2 3 4 5 6 7	1 2 3 4	1	1 2 3 4 5 6	1 2 3	1
8 9 10 11 12 13 14	5 6 7 8 9 10 11	2 3 4 5 6 7 8	7 8 9 10 11 12 13	4 5 6 7 8 9 10	2 3 4 5 6 7 8
15 16 17 18 19 20 21	12 13 14 15 16 17 18	9 10 11 12 13 14 15	14 15 16 17 18 19 20	11 12 13 14 15 16 17	9 10 11 12 13 14 15
22 23 24 25 26 27 28	19 20 21 22 23 24 25	16 17 18 19 20 21 22	21 22 23 24 25 26 27	18 19 20 21 22 23 24	16 17 18 19 20 21 22
29 30 31	26 27 28 29 30 31	23 24 25 26 27 28 29	28 29 30 31	25 26 27 28 29 30	23 24 25 26 27 28 29
		30			30 31

СЎНГГИ САҲИФА



«Тўфон»дан олдинги сокинлик

АЙНИ ПАЙТДА ҚИШКИ ТАЪТИЛДА БЎЛГАН ЕТАКЧИ ФУТБОЛ КЛУБЛАРИМИЗ ВА ТЕРМА ЖАМОАЛАРИМИЗНИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎТА МАСЪУЛИЯТЛИ СИНОВЛАР КУТМОҚДА

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»

Таъкидлаш жоиз: 2013 йил Аҳмаджон Мусаев мураббийлигидаги ёшлар жамоаси 21 июль-13 июль кунлари Туркияда 19 ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида, Дилшод Нуралиев бошчилигидаги ўсмирларимиз эса 17 октябрь-8 ноябрь кунлари БААда 16 ёшлар ўртасида кечалган «кичик мундиал»да иштирок этсалар, миллий терма жамоамиз бир эмас, икки «фронт»да кураш олиб борди. Хусусан, Миржалол Қосимов шогирдлари 2014 йили Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионатининг сўнги саралаш баҳсларидаги иштирокларини давом эттириш билан бирга, 2015 йил Австралида бўлиб ўтган Осиё кубоги квалификация бешашуварларида қатнаша бошлайдилар.

Маълумотларга кўра, мазкур мусобақаларга жиддий ҳозирлик қўраётган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки ўқув-йиғин машғулотларини 20 январь-1 февраль кунлари БААда ўтказди. Мазкур йиғин давомида Қосимов жамоаси Озарбойжон миллий терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушишини алоҳида таъкидлаш лозим. 6 февраль кунини эса футболчиларимиз

Гонконг термасига қарши «Австралия-2015» саралаш босқичидан ўрин олган дастлабки учрашувларини ўтказди. Дарвоқе, Осиё кубоги саралаш баҳслари ҳақида икки сўз: қўрыга кўра, «Е» гуруҳидан ўрин олган футболчиларимиз Гонконгдан ташқари, БАА ва Вьетнам терма жамоалари билан биргаликда кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб бордилар.

«ЖЧ-2014» саралаш баҳсларининг сўнги босқичидан ўрин олган уй учрашувларини эса футболчиларимиз Тошкентдаги «Бунёдкор» стадионида ўтказдилар. Шу кунгача ҳали биронта расмий учрашуви қабул қилмаган стадионда миллий жамоамиз футболчилари 26 март кунини Ливан, 18 июнь кунини эса Қатар миллий терма жамоаларига қарши тўп сурадилар.

Клубларимиз ҳақида гап кетар экан, 6 декабрь кунини мамлакатимизнинг учта етакчи жамоаси Осиё Чемпионлар лигасидаги рақибларини билиб олганларини айтиб ўтиш мумкин.

Шу ўринда Малайзия пойтахти — Куала-Лумпурда бўлиб ўтган кураш ташлаш маросимидан аввал Осиё Футбол Конфедерацияси «ОЧЛ-2013» турнири

учун Ўзбекистонга 2,5 та йўлланма ажратганини айтиб ўтиш лозим. Аниқроқ қилиб айтганда, чемпионимиз — «Пахтакор», шунингдек, миллий чемпионатнинг иккинчи ўрин ва Ўзбекистон кубоги соҳибини — «Бунёдкор» ҳеч қандай саралаш бешашуварисиз мусобақанинг гуруҳ босқичида иштирок этиш имконини кўлга киритган бўлса, якунланган мавсумда олий лига «бронза»сига эга чиққан «Локомотив»га ОЧЛни турнирнинг квалификация босқичидан бошлаш ҳуқуқи берилди.

Жумладан, кўра натижаларига кўра, «темирўшчилар» мавсумини келаси йилнинг 9 февраль кунини гуруҳ босқичи йўлланмаси учун «Ан Наср» (БАА) жамоаси қарши кечалган бир ўйиндан иборат сафар бешашуви билан бошлайдиган бўлди. Халқаро мусобақаларда илк маротаба иштирок этётган «Локо» футболчиларига ушбу баҳсда фалаба қозониш насиб этса, улар ОЧЛнинг «С» гуруҳида «Фулд» (Эрон), «Ал Фарафа» (Қатар) ва «Ал Аҳли» (Саудия Арабистони) жамоалари билан бирга тўп сурадилар.

Мусобақанинг тўғридан-тўғри асосий босқичига йўл олган клубларимизга келсак, кўрыга мувофиқ «Пахтакор»

26-27 февраль кунлари бошланган турнирнинг «В» гуруҳида «Лахвия» (Қатар), «Ал Иттифок» (Саудия Арабистони) жамоалари ҳамда «Сабои Кум» (Эрон) — «Аш Шабоб» (БАА) жуфтлиги қилиби билан ўйнашини айтиб ўтиш мумкин.

«ОЧЛ-2012»нинг ярим финалига қадр етиб борган «Бунёдкор» мусобақани яна «Шарқ» минтақасида жойлашган жамоалар билан бошлайдиган бўлди. Кўрыга мувофиқ «С» гуруҳидан ўрин олган «Қалдирғочлар» («Сан-Фернандо Хиросима» (Япония), «Бейжинг Гуоан» (Хитой) ва «Поханг Стилерс» (Ж.Корея) жамоалари билан бирга тўп сурадилар.

Хулоса ўрнида 20 ёшгача бўлган йигитларимиздан иборат терма жамоамиз келаси йилнинг январь ойида Санкт-Петербургда ташкил этиладиган МДХ кубогида қатнашини, Гулнора Аъзамова мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмир қизлар (U-16) терма жамоаси эса ўзбек аёллар футболни тарихида илк бора қўлган мусобақа — Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишини айтиб ўтиш жоиз. Бу эса 2013 йил ҳақиқатан ҳам чарм тўп усталиримиз учун ўта масъулиятли мавсум бўлишидан далолатдир.

ОЙГА ЧИҚМОҚЧИМИСIZ — УНДА, 1,5 МЛРД. ТЎЛАНГ

NASA ҳамда Golden Spike хусусий компанияси маълумотларига қараганда, ойга савҳат қилиш учун тўлов 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорига белгиланган. Аммо нарх юқори эканига қарамай, Жапуний Корея ва япониялик миллиардерлардан таклифлар тушиши давом этмоқда.

Парвозни амалга оширишга ихтисослашган компания мутахассисларининг фикрича, савҳатчиларнинг хавфсизлиги ва уларнинг мазмунли савҳат қилишлари учун парвозга собиқ фазогир ва учувчилар жалб қилинади.

ЕВРОПАДА ҚОРБЎРЎН АВЖ ОЛМОҚДА

Ғарбий Европа мамлакатларига ёққан кучли қор туфайли Франция, Бельгия, Швеция ва Швейцарияда асосий автомобиль йўлларидagi ҳаракат тўхтатилди. Германияда эса йўл ҳаракати ҳодисалари сони кескин ошган.

Голландия ва Бельгияда маҳаллий аэропортлар узинишлар билан ишламоқда. Чунки техник хизмат кўрсатиш ҳодимлари самолётларга музолаша қарши суюклик суртиб чиқишга улгурмаптилар. Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли Еврокомиссия вакили Жозе Мануэл Барроза ҳам Миланага сафарини бекор қилишга мажбур бўлган.



ТАЙФУН ПАЛАВАННИ ЯНДИ

Филиппинда юз берган кучли тайфун туфайли 200 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган ва юзлаб одамлар бедарак йўқолган.

Маълумотларга кўра, телиги соатига 120, 150 км.га етувчи «Бофа» тайфунини сайёҳларнинг сеvimли маскани бўлган Палаван оролининг шимолий қисмига етган. Бирок, шамолнинг телиги камайгани боис, оролга ҳеч қандай зарар етмаган.

Таъкидлаш жоиз, ҳар йили Филиппин орқали 20 га яқин тайфун ўтади. Утган йили оодир бўлган «Васи» тайфунини оқибатида мамлакатда 1500 нафар киши ноубуд бўлган эди.



Фидокорона меҳнат эътирофи

ТАРИХДА ШУНДАЙ БУРИЛИШЛАР СОДИР БЎЛАДИКИ, БУТУН МИНТАҚА, ҲАТТО ХАЛҚЛАР ҲАЁТИДА МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРАДИ, ОДАМЛАР ОНГИ ТУБ ЭВРИЛИШЛАРГА УЧРАЙДИ

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришгани ҳам ана шундай буюк тарихий ўзгаришлар сирасига киритсак, муволафа қилмаган бўлаамиз. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида оила институтини янада мустақамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, баркамол авлодни тарбиялашда оила ва маҳалланинг ролини кучайтириш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида ўтказилган илоҳотлар самараси ҳақида кўп ва хўп гапирилган бўлса-да, бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз: бу илоҳотларнинг моҳиятини ҳақ остига етказиш, «биз ким эди, ким бўлди» деган саволга жавоб топиш ҳамон ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Ҳақиқат баҳсларда, афзаллик қиёс-лашда маълум бўлади, дейдилар. Кечгани кунимизни, бугуни-

миз билан қиёс-лаш орқали ҳақиқат тағига етиш мумкин ҳолос. Бунда эса юртимиз ҳаётининг деярли ҳар бир ҳақиқаси, ҳар бир муваффақиятли қадамларини тарих зарварларига муҳрлаб бораётган оммавий ахборот воситалари ҳодимларининг роли нақадар улканлигини англаш қийин эмас. Айниқса, бугунги фаровон ҳаётимиз ва фараҳбахш кунларимизни, аҳоли турмуш тарзи, ону тафаккурида юз берган, умуман, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида эришилган амалшумул ўзгаришларни мўъжаз қўтичанинг қичкина дарчаси ёрдамида сураётган абадилаштириётган фотомухбирларнинг меҳнати ва ҳиссаси катталигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида босма оммавий ахборот воситалари ҳодимлари ўртасида ўтказилган

танлов ана шу умумхалқ эътирофининг бир намоиши бўлди, дейиш мумкин. «Муштаҳам оила — жамият таянчи» мавзусига бағишланган ушбу танлов ташкилотчилари таъкидлаганларидек, истиқлол йилларида юз берган тарихий жараёнлар ва эришган муваффақиятларни ўзида акс эттирган 800 дан ортиқ ижодий ишлар, жумладан, мақола ва фотосуратлар нуфузли ҳакамлар томонидан ҳоли баҳоланди. Фойдалар ҳамда совриндорлар танлов ташкилотчилари томонидан махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Талбир доирасида «Муштаҳам оила — жамият таянчи» мавзусида ташкил этилган, танловга тақдим этилган энг яхши фотосуратлар намоишига бағишланган кўргазма ҳам қатнашчилар диққат-эътирофига сазовор бўлди.

Кувонарлиси, иқтидорли ва тажрибали ҳамкасбимиз — «XXI asr» газетаси фотомухбири Солиҳ Зоир ҳам мазкур нуфузли танловда муваффақият қатнашиб, совриндорлар қайдидан жой олди. Биз таъририят номидан ҳамкасбимизни самимий муборакбод этиб, ижод йўлида янги-янги ютуқлар тилаб қолаамиз.

НОВО-ПАССИТ

Табиий тинчлантирувчи восита

МЫ ДЕЛАЕМ ЗДОРОВЬЕ ДОСТУПНЫМ ВО ВСЕМ МИРЕ

ХАЁТИНГИЗГА ХОТИРЖАМЛИК ОЛИБ КЕЛАДИ!

Йодомарин®

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

BERLIN-CHEMIE MENARINI

СИЁХ БИЛАН «ТЎДИРИЛГАН» КЎЛ

Жазоирнинг Сидди-Бил-Аббос шаҳри яқинидаги табиий хавза оддий сув билан эмас, балки том маънода ёзув учун яроқли бўлган, сиёхсимон суяк модда билан тўлганга ишоним қийин, албатта. Зеро, бундан бир неча йил аввал олимлар ана шу гайритабиий модданинг кўлга қандай қилиб тушиб қолгани борасидаги сирини фох қилишга эришдилар. Маълум бўлишича, мазкур кўлга иккита дарё қуйилади. Уларнинг бири кўлга темир моддаси билан тўйинган тузларга бой суви олиб келса, иккинчиси торфли ботқоқликлардан таркибида органик бирикмалари мавжуд бўлган оби ҳаётни куюди. Икки дарё сувлари қўшилган пайтда юзага келган реакциялар натижасида эса сиёхранг суяклик вужудга келади. Маҳаллий аҳоли орасида кўл ҳақида кўплаб афсоналару ривоятлар тарқалган. Базиллар мазкур сув хавзасини «Шайтон кўли», деб атаб, уни айланб ўтишга ҳаракат қилса, бошқалар эса аксинча, ундан имкони борича фойдаланишга уринади. Айтايлик, кўл сувини буюк ўрнида ишлатади. Шу ўринда тирик организмлар учун хавfli бўлган кўлда чўмилиш ман этилганини айтиш жоиз.